

Мусулмонларнинг маданий ёдгорликлари меросга айланди



09:34 / 18.12.2020 988

Исломий маданий мерос объектлари рўйхатига Фаластиндаги иккита жой - Ал-Халил (Хеврон) шаҳри, шунингдек Қуддус яқинида жойлашган Баттир қишлоғи ҳудудидаги зайтун боғлари ва узумзорлар кирди.

Ушбу рўйхатни кенгайтириш тўғрисидаги қарор Таълим, фан ва маданият Ислом ташкилотининг III-сессиясида қабул қилинди. Бу рўйхатга Ал-Халил ва табиий ёдгорликлардан ташқари бошқа мусулмон мамлакатлар Афғонистон, Яман, Марокаш, Уммон ва БАА ҳамда ўнга яқин объектлар киритилган.

Қадимги арабларнинг Баттир қишлоғи 2014 йилда Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.